

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
халқаро журналистика факультети**

**Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация  
кафедраси**

**Аудиовизуал журналистика (тележурналистика) фанидан**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу:** Телевиденининг ахборот тарқатиш  
вазифаси

**Бажарди: Дурдона Мухторова**

**Текширди: Амрулло Каримов**

**Тошкент—2013**

# **Мавзу: Телевидениенинг ахборот тарқатиш вазифаси**

**Режа:**

**Кириш**

**Асосий қисм:**

- 1. Ахборот тарқатиш – телевидениенинг энг муҳим вазифаси**
- 2. Ахборот тарқатишда ахборот дастурларининг ўрни**
- 3. Ахборот дастурларида бошловчи ва мухбирларга қўйиладиган талаблар**

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар**

**Кириш**

**Ахборот-журналистнинг нони, қони, жони. У ахборотнинг ичида яшайди, ахборот журналистнинг ичида мавжуд. Ахборот ва журналист бир-биридан айрилмайди, ажралмайди. Ахборот журналистнинг жамиятдаги, ҳаётдаги ўрнини, салоҳиятини ... тақдирини белгилаб беради.**

**Хуршид Дўстмуҳаммад**

Шиддат билан ўтиб бораётган ҳаётимизга назар ташласак, биз энг кўп эҳтиёж юзасидан фойдаланаётганимиз ахборот эканлигига гувоҳ бўламиз. Бир кеча кундузда қанчадан қанча ахборотни қабул қиламиз ёки тарқатамиз. Ахборот жуда кенг маъноли тушунча саналади. Гарчи, у оддийгина “воқеа-ходиса ҳақидаги маълумот” маъносини англатсада, уни машҳур олимлар, журналистлар турлича ифодалайдилар. “Электр нури – ҳақиқий ахборотдир” – деб ёзган эди Маршалл Маклюэн. Норвег адиби Юхан Боргеннинг наздида эса “бадий асар – ахборот дегани”дир. Мутахассис олим Файзулла Баҳромов томонидан тузилган луғатга мурожаат этсак, у ерда ахборот атамаси қуйидагича изоҳланган: “Ахборот – инсоннинг сезги органлари орқали қабул қилинадиган барча маълумотлар мажмуи.” Умуман олганда, бу мулоҳазаларнинг бари муаллифларнинг шахсий қарашларидан келиб чиққан. Уларда масалага бир томонлама ёндашиш мавжудлиги туфайли, бирортасини ҳам ахборотга берилган ягона умумий таъриф деб олишнинг иложи йўқ. Таниқли журналист Хуршид Дўстмуҳаммад ахборот ҳақида оддий, бироқ ҳаммага тушунарли бўлган, изоҳ талаб қилмайдиган таърифни келтиради: “Сахар палласи хўрознинг қичқириғи, ётоғидан бош кўтараётган қуёшнинг заррин нурлари, элас-элас эсан шабада, қулоққа чалинган шовқин-сас, димоқни қитиқловчи хушбўй хид – ҳамма – ҳаммаси – ахборот! Инсоннинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кўз қарашлари, енгил-боши, қиёфаси, гап-сўзи, ҳатто бирон сўз айтмай жим туриши ҳам – ахборот! Ўйлагани, кўнглидан ўтказган кечинмалари,

эхтиросу туйғулари, кўнглининг туб-тубида кечираётган изтироблари, кечинмалари, хатто тушлари ҳам ахборот!

Ёмғир, қор, иссиқ ва совуқ, момақалдиروқ, зилзила, тўфон, тошқину хоказо офатлар ҳам табиатнинг турли ҳолатдаги “дил” изҳорлари – хабарлари!”<sup>1</sup>

Шу маънода **курс ишини ёзишдан мақсад** ахборот тарқатиш телевидениенинг асосий вазифаси эканлигини батафсил ёритиш бўлиб, бунда Россия ҳамда Ўзбекистон ахборот дастурларини объект қилиб олдим. **Курс ишининг вазифаси эса** телевидениеда ахборот тарқатиш усулларини ўрганиш, ахборот дастурлари, ундаги мухбир ва бошловчиларнинг аҳамияти, ахборот дастурларининг форматлари ҳақида батафсил маълумот бериш ҳисобланади.

Ахборот жамиятида эркин ахборот оқими тамойили амал қилар экан, давлат чегараларидан қатъий назар, ахборотнинг дунё миқёсида тўсиқларсиз тарқатилишига эришилди. Буни бир қарашда демократик тамойиллар қарор топган ҳол сифатида ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, иқтисодий имконият бир хил бўлмаган шароитда табиий равишда кучлар тенгсизлиги юзага келади. Тараққий этган давлатлар ўз ахборот воситалари орқали ривожланаётган мамлакатларни бошқаради. Яна бир жиддий муаммо, ахборот жамияти муҳитида жаҳон халқларининг миллий, маданий қадриятлари уйғунлашиб кетишини кузатишимиз мумкин. Бундай шароитда эса, дунё халқлари, хусусан, кам сонли миллатларнинг миллий анъана ва қадриятлари хавф остида қолади. Ғарб олимлари томонидан айтилган шу жиҳатни кўзда тутган “эритувчи қозон назарияси” ҳам илгари сурилган. Бу назария тарафдорларининг фикрича, ахборот жамиятида миллатларнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари худди бир қозонда қайнаган таомдек

---

<sup>1</sup> Дўстмухаммедов Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. Янги аср авлоди нашриёти, Тошкент – 2013, - Б.19

кўшилиб, аралашиб кетади. Бугунги кунда АҚШ айти шу назарияга асосан, барча халқларни ўз мафкурасига бўйсундиришга уринаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Бунда эса ахборот тарқатиш вазифасини ўтовчи оав асосий қуролга айлантирилган. “Пост индустриал назарияси”ни ишлаб чиққан буюк олим Даниел Белл ўзининг “Мафкуранинг тугаши” номли китобида шундай ёзади: “оав, ахборот технологиялари ривожланган дунёда давлат, жамият, ҳукумат, синф ташкил этадиган мафкурага зарурат қолмади. Бугун ҳар бир одам хоҳлаган ахборот манбаларидан фойдаланиб, ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Ташкиллаштирилган мафкуралар даври ўтиб бўлди.”<sup>2</sup> Аслини олганда, бу мулоҳазаларда жон бор. Аммо, юқорида таъкидлаганимдек, ҳамон четдан туриб, ўз мафкурасини сингдиришга уринаётган давлатлар мавжуд. Ваҳоланки, мафкура кишиларнинг иккинчи маънавий ҳаёти ва ўзлиги. Инсон ейиш, ичиш, соғлиқни сақлашга қандай муҳтож бўлса, у худди шундай маънавий дунёга ҳам муҳтож. Маънавий дунёси заиф одам ўз руҳий дунёсини ҳам йўқотиши мумкин.

Дунёда энг аҳолиси кўп давлат саналмиш Хитой ўз халқига ташқи ахборотларни бутунлай чеклаш орқали, уларни бегона мафкуралардан ҳимоялаш билан бирга, миллий маданиятини сақлаб келаётган қудратли мамлакат ҳисобланади. Хитойда бирорта халқаро теле ва радиоканаллар давлат назоратисиз эфирга узатилмайди. Ҳатто, бошқа халқларга тегишли газета, журналларни топишнинг иложи йўқ. Балки, шунинг учун ҳам ҳозирда Хитой дунёнинг энг етакчи давлатларидан бирига айлангандир.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам чексиз ахборотларга қарши турли чоралар кўрилмоқда. Миллий ўзлимиз, қадриятларимизни, нафақат, сақлаб қолиш балки, янада ривожлантириш учун, аввало,

---

<sup>2</sup> [www.Ziyo.uz](http://www.Ziyo.uz) сайти. Тафаккур журналида чоп этилган мақоладан олинган, муаллифи берилмаган – 04.12.2013, 07:06

маънавиятимизни юксалтиришимиз кераклиги Президентимиз томонидан қайта-қайта таъкидланмоқда. Бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Табиийки, ушбу жараёнларнинг барчаси оав да ўз ифодасини топади. Айниқса, энг катта масъулиятнинг телевидение зиммасига тушиши, унинг аҳамиятини янада оширади.

## **1. Ахборот тарқатиш телевидениенинг энг муҳим вазифаси**

Қачонлардир интернетнинг пайдо бўлгани ва ХХІ асрга келиб, кескин ривожланиб кетгани оав фаолиятини хавф остида қолдирган эди. Кўпчилик инсонлар “вакти келиб, интернет туфайли оав га бўлган эҳтиёж бутунлай йўқолади” – дея, фикр билдиришган эди. Бироқ, орадан вақт ўтиши билан, бу башоратлар амалга ошмагани, аксинча, оав, айниқса, телевидениега бўлган талаб ва эҳтиёж кундан кунга ошиб бораётгани ўз-ўзидан исботланди. Эндиликда, телевидение интернетга рақобатдош сифатида, янада тезкорликка интила бошлади. Аҳолини турли воқеа-ҳодисалардан воқиф қилиш, кишилар маданиятини ошириш, маънавиятини бойитиш, дунёкарашини тўғри шакллантиришда, ТВнинг ахборот тарқатиш, маданий-маънавий, бирлаштирувчи, ташкилотчилик, маърифий, мафкуравий, рекреатив каби вазифаларининг аҳамият кўлами кенгайиб бормоқда. Бу вазифалар асосида янгидан янги кўрсатувлар ташкил этилмоқда. Уларнинг ҳар бири, ҳатто, кўнгилочар кўрсатувлар ҳам қайсидир маънода кишиларга ахборот беради. Бугун инсонлар ТВга шунчаки томоша қилиш эмас, балки ахборот олиш воситаси сифатида қарай бошладилар. “Ўзбекистон” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Ўйла, изла, топ!”, “Заковат” каби интеллектуал кўрсатувлар тўғридан-тўғри билим, ахборот беришга йўналтирилган бўлса, “Сув ости дунёси”, “Ер сайёраси” каби илмий-оммабоп дастурлар бизга номаълум бўлган воқеа-ҳодисалар, мавжудотлар ҳақида жонли кадрлар орқали маълумот беради. Бугун ТВда ток-шоулар сони ортиб бормоқда. Уларнинг ҳар бири ўз услубига, йўналишига ва мавзуга эга. Ток-шоулар, асосан, кўнгилочар бўлиши мумкин, бироқ уларда ҳам ахборот бериш хусусияти мавжуд. Масалан, “Ўзбекистон” телеканалида эфирга узатиладиган “Ойдин ҳаёт”<sup>3</sup> ток-шоусини олайлик. Услуби енгил, содда. Бирор катта муаммо кўтарилмайди. Бироқ, кўрсатув бошидан охиригача бизга ахборот беради. Биз билган маҳсулотларнинг янги жиҳатларини маҳорат

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон телеканали. Ойдин ҳаёт ток-шоуси. Бошловчилар Рихситилла Абдуллаев ва Райҳон Уласенова. – Ҳар якшанба, 11:00

билан кўрсатиб беради. Телевидениеда кинофилмлар, телесериаллар, хатто, рекламалар ҳам ахборот тарқатиш вазифасини бажаради. Биз телесериал ёки кинофилмлар орқали нафақат, маънавий озуқа оламиз балки, улар дунёқарашимизни шакллантириш, муносабат билдириш қобилиятимизни ривожлантириш ва энг муҳими, ҳар бир соҳанинг ўзига хосликлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишимизда катта аҳамиятга эга. Масалан, “Доктор Хаус” телесериалида<sup>4</sup> тиббиёт соҳасининг сир-асрорлари, машаққатлари, жарроҳлик усуллари, биз билган ва билмаган касалликлар тарихи, уларни даволаш чоралари ва ҳоказолар қизиқарли талқин этилган. Сериал шунчалик содда ишланганки, уни оддий одамлар ҳам бемалол тушуна олади.

Барча соҳа вакилларини қамраб олиш ва телетомошабинларни турли соҳа сир-асрорларидан воқиф қилиш мақсадида ихтисослашган кўрсатувлар сони янада ортди. Уларга мисол қилиб, “Ўзбекистон” телеканалидаги тиббиётга оид “Ўзингни англа”, “Тошкент” телеканалидаги “Оила шифокори”, ҳуқуқ соҳасига оид “Тошкент” телеканалидаги “Адолат мезони”, “Ўзбекистон” телеканалидаги “Инсон ва қонун”, “Одил суд”, пазандаликка доир “Ёшлар” телеканалидаги “Ош бўлсин!”, “Пазанда” каби ранг-баранг кўрсатувларни айтишимиз мумкин. Буларнинг барчаси ТВнинг техник имкониятлари ошиб бораётганидан далолат беради. Бугун ер юзида қанча кўп телеканал фаолият олиб бораётган бўлмасин, ҳамон янги каналларга бўлган эҳтиёж юқори. Мутахассисларнинг таъкидлашича, каналлар кўпайган сари телетомошабин учун танлаш имконияти кенгаяди. Бироқ, каналдан каналга сакраб юрувчилар кўпаяди. Қарангки, Япониялик олимлар бу муаммонинг ҳам чорасини топдилар. Яъни, улар 4 ва 6 ойнали телевизор ихтиро қилдилар. Бу телеэкран бир вақтнинг ўзида 4 ёки 6 та

---

<sup>4</sup> “Ўзбекистон” телеканали. “Доктор Хаус” телесериали. – Душанбадан жумагача, 18:40



канални томоша қилиш имконини беради. Ҳозирда амалга оширилаётган бундай янгиликлар телевидениенинг оммабоплигини янада кучайтиради.

Бугунги кунда инсонлар ўз ҳаётини ахборотсиз тасаввур ҳам қила олмайдиган бир даврда телевидение ахборот тарқатишнинг энг қулай ва таъсирчан усулига айланди. Ҳар бир каналнинг обрўи унинг ахборот дастурлари билан белгилана бошланди. Айниқса, дунёнинг энг етакчи “Си-Эн-Эн”, “Ал-Жазира”, “Вести” каби 24 соат давомида янгилик етказиб турувчи телеканалларнинг томошабинлари сони таърифлаб бўлмас даражада ортиб кетди. Ҳатто, бу каналлар орасида “ахборотни ким биринчи етказди?” деган маънодаги кучли рақобат юзага келди. Сабаби, улар ҳар бир ахборотдан иқтисодий фойда кўрадилар.

Миллий журналистикамизда ҳам эҳтиёж сабаб ахборот дастурлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳар бир канал ўзининг камида битта ахборот дастурига эга. Масалан “Ўзбекистон” телеканалида “Ахборот”, “Ёшлар” телеканалида “Давр”, “Тошкент” телеканалида “Пойтахт” ва ҳоказо ахборот дастурлари аллақачон ўз ўрнига, телетомошабинларига эга. Энг муҳими, юртдошларимиз ушбу дастурларни кун давомида кутадилар, томоша қиладилар ва ахборот оладилар. Бу жараёнга таниқли журналист Хуршид Дўстмуҳаммад шундай фикр билдирадилар: “Дунёни ахборот тебратяпти. Ошимиз ҳам, нонимиз ҳам ахборот! Воқеалар шиддати шу қадарки, одамлар газетани кутишга сабри етмайди – радиони бурайди, иложини топса, ТВни тунда ҳам ўчирмайди. Ҳаётда кўрганига ишонмаса ишонмайди одам, ТВда кўрганига ишонади. “Ўзбекистон” телеканали орқали намоёиш этиладиган “Ахборот” кўрсатувини ҳар куни, бир вақтда, мунтазам чиқадиган газетага қиёс қилиш мумкин. Уни почтальон йўлакка ташлаб кетмайди, у хонадонингизга беминнатгина кириб келади. ТВнинг тугмасини боссангиз бас!”<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Дўстмуҳаммадов Х. Ахборот – мўжиза, жозиба, фалсафа. Янги аср авлоди нашриёти, Тошкент – 2013, - Б.288

## 2. Ахборот тарқатишда ахборот дастурларининг ўрни

Сўнгги йилларда миллий телеканалларимиздаги ахборот дастурлари сезиларли даражада муваффақиятга эришмоқда. Телевидениега энг замонавий технологияларнинг олиб келиниши туфайли ахборот дастурларининг эфир вақти ва сони ошди. Натижада, кунлик дастурлар узатувининг асосини ахборот дастурлари ташкил эта бошлади. Албатта, сон билан бирга сифат кўрсаткичлари ҳам ўсмоқда. Авваллари, информацион дастурларда эфирга бериладиган хабарлар бир неча кун илгари суратга олинган воқеалар асосида тайёрланган бўлса, эндиликда, бугун бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани кечки ахборот дастурларида кўриш имкониятига эгамиз. Ҳатто, халқаро янгиликларни ҳам “энг қайноқ хабарлар” – дея, эътироф этишимиз мумкин.

Бизга маълумки, ҳар қандай ахборот дастурининг асосини янгиликлар ташкил этади. “Журналистнинг 10 қоидаси” китоби муаллифи Эрик Фихтелиус янгиликни танлаш ва баҳолаш мезонларини қуйидагича баён қилади, яъни, янгиликлар:<sup>6</sup>

**Яқинда содир бўлган**, “тандирдан янги узилган” бўлиши керак. Хабар қанчалик актуал – долзарб бўлса, шунча қизиқарлидир, воқеа бўлганига қанча узоқ вақт бўлган бўлса, қизиқарлилиги шунча камаяди. “Давр ҳафта ичида” информацион дастурида эълон қилинишича, куни кеча 2013 йил учун халқаро “Нобел” мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди. Норвегия пойтахти Осло шаҳрида “Халқаро тинчлик мукофоти” тақдим этилган бўлса, Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида физика, тиббиёт, физиология, адабиёт ҳамда иқтисодиёт бўйича мукофотлар эгаларига топширилди. Мукофотларни Швеция қироли Карл ўн олтинчи топширди. Совриндорларга махсус диплом, олтин медал ва 8 млн. Швеция кронаси миқдорида пул тақдим этилди. Бу 1 млн. 200

---

<sup>6</sup> Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. Шарқ, Тошкент – 2002, - Б.34

минг долларга тенг.<sup>7</sup> (Баъзи воқеалар узоқ вақт ўтгандан кейин ҳам қизиқарли бўлиб қолаверади, масалан, “Титаник” кемасининг ҳалокати кейинги асрларда ҳам барчани қизиқтиради.)

**Аввал маълум бўлмаган.** Воқеа аввалроқ юз берган бўлса ҳам, ҳали кўпчилик, омма билмаса, уни эълон қилиш қизиқарлидир. Шу мезондан келиб чиқиб, узоқ вақтда содир бўлган воқеалар ёки уларнинг айрим тафсилотлари кенг жамоатчилик учун янгилик ҳисобланади. Масалан, “Тошкент” телеканалидаги “Салом, Тошкент!” дастурида хабар қилинишича, дунё олимлари Марсда ҳаёт борлигини аниқлаганлар. Гарчи, Марс сайёраси аввалдан мавжуд бўлсада, у ерда ҳаёт бор-йўқлиги барчага номаълум эди. Шунинг учун бу хабар қизиқарли ҳисобланади.<sup>8</sup>

**Телетомошабин кўнглига яқин мавзулар.** Жуғрофий ёки маънавий жиҳатдан бизга яқин воқеалар узоқда юз берган воқеалардан кўра қизиқарлироқдир. Масалан, Ўзбекистондаги телетомошабинлар учун Франциядаги автомобил компаниясининг инқирозга учраб, 100 дан ортиқ ишчиларнинг ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги хабардан кўра, Тожикистондаги “Роғун ГЕСи”нинг Сурхандарё вилояти аҳолисига қанчалик зарар етказаётгани ҳақидаги хабар муҳимроқ кўринади.

**Ғаройиб фавқулодда вазиятлар:** Сомолотнинг эсон-омон ерга кўнгани янгилик эмас, унинг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар – янгиликдир. Бир одамни ит тишлаб олгани – янгилик эмас, бир одам итни тишлаб олгани – янгилик бўлади. Куни кеча “Ёшлар” телеканали “Давр” информацион дастурида шунга ўхшаш хабар эълон қилинди. Маълумотга кўра, АҚШнинг Колорадо штатидаги мактабда отишма содир бўлган. Қуролланган шахс мактаб ичкарасига кириб, болаларни

---

<sup>7</sup> Ёшлар телеканали. Давр ҳафта ичида ахборот дастури. Мухбир Феруза Исматова. – 15.12.2013, 19:15

<sup>8</sup> Тошкент телеканали. Салом, Тошкент дастури. – 13.12.2013, 13:20

ўққа тутган. Натижада икки нафар бола яраланган. Полиция ходимлари етиб келишганида эса, қотил ўзини отиб қўйганига гувоҳ бўлишган.<sup>9</sup> Кўриниб турибдики, баъзи воқеалар (бахтсиз ходисалар) кўнгилсиз бўлса ҳам, барча учун қизиқарлидир.

**Ноёб одамлар ҳақида.** Оддий одам ҳақидаги хабар қизиқарли эмас, ғалати, нодир хислатли одамлар ҳақидаги хабарлар қизиқарлидир. Масалан, бизнинг юртимизда узун сочлари билан “Дамас” автомобилени узоқ масофагача судраб борган эркакни барча ахборот дастурлари бир неча бор кўрсатишди. Табиийки, бу инсонлар учун қизиқ. Чунки, узун сочлар, аввало, аёлларга хос, бундан ташқари, нозик толали сочлар билан катта, оғир автомобилни судраш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Одатда, бу турга машҳур инсонлар ҳақидаги янгиликлар ҳам киради. Бир неча кун олдин “Ахборот” дастури орқали Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитовага Президентимиз томонларидан Ўзбекистон халқ артисти унвонининг берилганлиги ҳақида хабар қилинди.<sup>10</sup> 32 ёшида бундай юксак унвонга сазовор бўлиш ҳамма санъаткорларнинг ҳам қўлидан келавермайди.

**Давомли янгиликлар.** Янги хабар телетомошабинларда қизиқиш уйғотиши керак. Анча вақт давом этган воқеа ҳақида гапирилганда, янги-янги тафсилотлар бирин-кетин очилиб, томошабин охири нима бўлар экан деб, қизиқиб турса, мухбирнинг маҳорати кўринади. Масалан, бир неча йил муқаддам ўзбек эстрадасининг икки юлдузи Шароф Муқимов ва Севинч Мўминоваларнинг муносабатлари нима билан тугаши барчани бирдек қизиқтириб қўйганди. Томошабин шу мавзудаги ҳар қандай ахборотни интиқлик билан кутарди. Шунга ўхшаш ҳолатлар, яъни, охири маълум вақтгача номаълум бўлиб турган сюжетли янгиликлар журналистлар тилида “cliff-hanger”<sup>11</sup> деб аталади.

<sup>9</sup> Ёшлар телеканали. Давр информацион дастури. Дунё хабарлари. Бошловчи Хуршид Далиев. – 14.12.2013, 19:15

<sup>10</sup> Ўзбекистон телеканали. Ахборот информацион дастури. – 09.12.2013, 21:10

<sup>11</sup> Таржима: cliff-hanger – аудиторияни(тингловчи, томошабин) доимий қизиқтириб турувчи радио ёки телесериал.

Янгиликларнинг муҳимлиги ҳақидаги мухбирнинг баҳоси телетомошабинлар баҳоси билан мувофиқ келса, яхши самара беради. Ўзларига қизиқ туйилган, лекин кўпчилик кишиларни қизиқтирмайдиган янгиликларни берувчи ахборот дастурлари обрў, ҳурмат қозонолмайди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, энг қизиқ бўлмаган янгилик ҳам, кимгадир қизиқ ёки керак бўлиши мумкин. Худди шундай ҳолат бизнинг миллий телеканалларимизда кўп кузатилади. Масалан, кўпинча, бирор мактаб ёки олий ўқув юртида бўлиб ўтган тадбир, анжуман фақат ўша соҳага, билим юртига алоқадорлар учун қизиқ бўлади. “Тасаввур қилайлик, ахборотлар оқими дарё бўлса, янги хабарлар ундаги катта ва кичик балиқлардир. Биз мухбирлар биринчи навбатда халқ яхши кўрадиган, севиб истеъмол қиладиган балиқларни тутишга ҳаракат қилишимиз керак. Модомики, бизнинг томошабинларимиз лаққа балиқни яхши кўрар экан, биз ўшандай балиқларни тутишга тўр ва қармоқларимизни мослаштиришимиз зарур”<sup>12</sup> – деб ёзади, Швециянинг энг машҳур ва тажрибали мухбирларидан бири Эрик Фихтелиус. Дарҳақиқат, телетомошабинлар доим ўзлари кутаётган янгиликлар берилишини истайдилар. Кенг халқ оммаси иқтисодий тикланишни, моддий фаровонлик бошланиши, нарх-наво пасайиши ёки яна кўтарилмаслигини, солиқлар камайиб, нафақа ва маошлар ошишини, яхши, ажойиб асарлар нашр этилишини, табиат мусаффолиги сақланиши ва ҳоказолар ҳақидаги янгиликларни кутадилар. Табиийки, журналист бу каби хабарлар билан чекланмайди. Унинг ишида энг муҳим жиҳатлардан яна бири – оддий, кундалик ҳаётда ҳам кўпчилик кўрмай қолган янгиликларни кўра билиш ҳисобланади.

Американинг АБС телекомпанияси ўз янгиликларини эълон қилишда уч асосий бирликни шиор қилиб олишган: Accuracy, Brevity ва Clarity, ушбулар айнанлик, лўндалик ва равонлик деган маъноларни

---

<sup>12</sup> Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қониси. Шарқ, Тошкент – 2002, - Б.36

ифодалаб, журналистиканинг асослари деб ҳисобланади. Аслини олганда, буларнинг ҳар учаласи ҳам бир хил мақсадни ифодалайди. Яъни, янгиликларни оммага худди ўзидек, тез ва аниқ етказиш. Шу ўринда, бир воқеани барча ахборот дастурларида ҳеч ўзгаришсиз беравериш томошабинни зериктиради, инфор­мацион кўрсатувлардан бездиради. Бунга йўл қўймаслик учун журналист ўша янгиликни ҳар гал турли тафсилотлар билан бойитиши ёки лавҳалар ўрнини ўзгартирган ҳолда бериши мақсадга мувофиқ. Радиосюжетларни ранг-баранглаштиришнинг устаси-фаранги бўлган Америкалик журналист Валери Хеллер шундай ёзади: “Тасаввур қилинг, ҳар бир янгилик табиий олмос, унга турлича шакл ва жило бериш мумкин. Узук кўзидаги олмосни турлича ағдарсангиз, ёруғлик жилоси ўзгарганидек, ўша олмоснинг ўзи энди мутлақо бошқача бўлиб кўриниши мумкин.”<sup>13</sup> Бугунги кун журналистларининг маҳорати мана шу олмосни телетомошабинга қай томондан кўрсата олишида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда журналистлардан ўта синчков ва кузатувчан бўлиш талаб этилади. Бу уларга ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Журналистлар, айниқса, ахборот дастурларида фаолият олиб боровчи мухбирлар шахсий кузатувдан ташқари яна бир неча маълумотлардан ахборот манбаси сифатида фойдаланишлари мумкин. Улар:

- томошабин-гувоҳ (ўқувчи, тингловчи)лар маълумоти;
- ахборот етказувчилар маълумоти;
- интервью берувчилар маълумоти;
- ахборот агентликлари, интернет маълумоти;
- ахборот хизматлари маълумоти;

---

<sup>13</sup> Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. Шарқ, Тошкент – 2002, - Б.122

-календар ва бошқалар.<sup>14</sup>

Баъзи ҳолларда ахборот манбалари муҳаррир кўрсатмаси ва тавсиясига биноан белгиланади. Бироқ, ҳамиша муҳбир ўз шахсий фикри, қарашларига эга бўлиши, материалнинг қизиқарли чиқиши учун тўплаган ахборотларидан усталик билан фойдалана олиши зарур.

Бугун бутун дунёда оавнинг ҳамма турида формат сўзи кенг қўлланилмоқда. Телевидениедаги барча кўрсатувлар қатори, информацион дастурлар ҳам ўз форматига эга.<sup>15</sup> Бу ибора босма оавда нашр ўлчами маъносини англатса, бошқа томондан ахборот объектининг тузилиши, шакл ва усулини билдиради. ТВда эса формат тушунчаси конкрет канал ёки кўрсатув йўналишини акс эттиради. Масалан, ахборот дастурлари жиддий формат ҳисобланиб, уни мусиқий-кўнгилочар каналда беришни тасаввур қилиш қийин. Берилганда ҳам каналга мослаштирилиб, кўнгилочар тарзда эфирга узатилади. Акс ҳолда, “форматда эмас” деган ибора келиб чиқади. Биз ҳар куни томоша қиладиган ахборот дастурларининг ўзи ҳам бир неча форматларга ажратилади. Улар ҳақида журналист Амрулло Каримовнинг “Аудивизуал журналистика” китобида батафсил маълумот берилган.<sup>16</sup> Унга кўра, телевизион ахборот форматлари қуйидагилар:

**1.Оғзаки хабар.** Мазкур усул ТВга радиодан кириб келган. Воқеа-ҳодисалар суратга олинмай, фақат оғзаки ахборот берилади. Хабарни бошловчи кадрда туриб ўқийди. Одатда бундай усулдан видеоматериаллар йўқ пайтда ёки уларга муҳтож бўлмаганда фойдаланилади. Бу усулни қўллаш 1956 йилдан бошланган бўлиб, унга зилзилаларни бошловчи томонидан оғзаки айтилишини мисол қилиш мумкин. Шунингдек, “Ахборот” дастурида август ойида олий ўқув

<sup>14</sup> Каримов А. Аудивизуал журналистика. ЎзДЖТУ, Тошкент – 2012, - Б.19

<sup>15</sup> Таржима: формат – немисча format, франсузча format – лотинча forma – кўриниш, қиёфа деган маъноларни англатади.

<sup>16</sup> Каримов А. Аудивизуал журналистика. ЎзДЖТУ, Тошкент – 2012, - Б.26

юртларига имтихон топширган талабалар учун мандат яъни, тест жавоблари эълон қилинадиган кун бошловчи томонидан оғзаки хабар қилинади.<sup>17</sup>

**2.БЗ** (рус тилида “без закадра” сўзининг қисқартмаси). Бунда хабарлар мухбир томонидан матнсиз, шунчаки видеоматериал кўринишида тақдим қилинади. Одатда бу турдаги чиқишларда воқеага ҳеч қандай шарҳ берилмайди.

**3.СХ** (алоҳида синхрон) – бунда воқеа-ҳодисанинг бориши, жойдаги вазият ҳақида ньюсмейкер<sup>18</sup> шарҳи, ҳодиса гувоҳлари ёки бошқа дахлдор кишиларнинг фикр-мулоҳазалари эфирда алоҳида тақдим этилади.

**4.Хрипушка** – СХнинг бир тури: одатда у телефон орқали ёзиб олинади. Синхрон эфирга кетаётганда бирор-бир графикадан қойдаланилади ёки мавзуга доир видеоёзувлар берилади. Кўп ҳолларда:

- гапираётган одамнинг портрети;
- воқеа содир бўлган жойнинг харитадаги кўриниши;
- мавзуга доир фотосуратлар қўйилади.

Бу усулдан ахборот дастурларида бирор жойда бўлаётган воқеани техник сабаблар туфайли видеоматериаллар олишнинг иложи бўлмаганда, тезкорликни таъминлаш мақсадида фойдаланилади. Миллий телеканалларда Президентимиз Ислон Каримов хориж сафарига кетган пайтида журналистлар воқеа жойидан телефон орқали хабар қилишади.

**5.Бир нечта СХ** (2 СХ, 3 СХ ва ҳ.з) – бир нечта синхронлардан олинган бўлакчалар. Журналист синхронларни воқеага гувоҳ бўлганлар,

<sup>17</sup> Ўзбекистон телеканоли. Ахборот информацион дастури. – 15.08.2012, 21:00

<sup>18</sup> Таржима: ньюсмейкер (newsmaker) – потенциал ахборот берувчи, ахборот етказувчи. Давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ҳар қандай корхонанинг жамоатчилик бўлими раҳбарлари биринчи рақамли ньюсмейкерлар саналади.



иштирокчилар ва бошқа дахлдор шахслардан йиғади ҳамда улар берган фикрнинг бир бўлаги – “қаймоғи”ни олиб, эфир учун тақдим этади. Одатда бундай формат “стрит-ток” кўча сўровларида ишлатилади.

**6.ИШ** (алоҳида лайф) – бу формат “шархсиз” фрагменти билан мос келади. “Интершум” сўзининг қисқартирилган варианты. Айрим студияларда у шунчаки “видео”, “лайф” ёки “no comments” деб ҳам юритилади. “Лайф” жонли ҳаётдан олинган товуш. У томошабинда ўша жойда бўлиб қолиш ҳиссиётини уйғотиши керак. Масалан, шаршаранинг овози, мактабда ўқувчиларнинг шовқини ва ҳ.з. Бундай усул табиийликни ҳосил қилади. Информацион дастурларда “лайф” 5 сониядан ошмаслиги керак. “Салом, Тошкент!” дастурида қор ёғаётгани шундай тасвирланган. Кўчалар, соябон остида кетаётган одамлар, оппоқ қорга бурканган дарахтлар кишини беэҳтиёр ўзига тортади. Машиналар товуши, сигналлари табиий оҳангдек туюлади. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси жонли, бизнинг ҳаётимиздан олинган лавҳалар.<sup>19</sup>

**7.БЗ+СХ** – бу ҳам қисқа формат бўлиб, у кадр орти матни бўлмаган пайтда ишлатилади. Бу форматни деярли сюжет дейиш мумкин. Уни қуйидаги ҳолатларда қўллаш тавсия этилади:

- ахборотни эфирга тез бериш талаб қилинса ёки шарт бўлса;
- матн ёзишга ҳеч қандай эҳтиёж сезилмаса;
- сценарийсиз видеоматериалнинг ўзидан томошабин теран маънони англаб олса;
- журналист ўз исми-шарифини эфирда берилишини истамаса ва ҳоказо.

**8.Тўғридан-тўғри уланиш** – мухбирнинг воқеа жойидан эфирга чиқиши: стенд-ап, видеоматериал бўлмаган пайтда ана шундай мулоқотга киришилади. Бу бошловчи билан мухбир диалоги

---

<sup>19</sup> Тошкент телеканали. Салом, Тошкент дастури. – 05.12.2013, 13:45

хисобланади. Ундан ташқари бошқа эфирга чикувчилар – мухбир, эксперт, гувоҳ ва бошқалар билан ҳам диалогга киришиш мумкин. Бу усулдан камдан-кам ҳолларда фойдаланилади. Ҳақиқий тўғридан-тўғри уланишни халқаро телеканалларда кўришимиз мумкин. Масалан, Россия телеканалининг ахборот дастурида бошловчи Юрий Гогонов билан тўғридан-тўғри уланиб, суҳбатлашади. Жонли эфир эканлиги шундоққина кўриниб туради. Чунки бошловчи ҳозир Юрий Гогонов билан уланамиз деб хабар бераётганда, Гогонов телефон орқали дўсти билан гаплашаётгани, тўғридан-тўғри эфирга чиқиши кераклигини айтаётгани кўрсатилади. Бундан ташқари, Юрий Гогонов ўтирган жой шовқин бўлгани учун бошловчининг гапларини зўрға эшитади.<sup>20</sup>

**9.Сохта ярим жонли уланиш** (псевдовключение) – мазмунан тўғридан-тўғри уланиш билан бир хил маънони англатиб, фақат олдиндан ёзиб олинади. Юқорида таъкидлаганимдек, миллий журналистикамизда стенд-ап дан кўра шу усулдан кўпроқ фойдаланилади. Чунки бизда ахборот дастурларининг деярли барчаси ёзиб олинган ҳолда эфирга узатилади. Бунга мисол тариқасида “Тошкент” телеканалининг “Пойтахт” ахборот дастурида ҳар жума эфирга узатиладиган бошловчи билан гидрометрология ходимининг диалогини келтиришимиз мумкин. Унда гидрометрология ходими Ўзбекистонда кузатилиши кутилаётган бир ҳафталик об-ҳаво маълумотини батафсил эълон қилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам экранда намоён бўлади фақат бошқа бошқа жойда ўтирган ҳолда. Шу мавзуда бошловчи бошқа саволларни ҳам бериб ўтади. Масалан, қачон совуқ тушиши кутиляпти, қор ёғиши эҳтимоли борми ва ҳоказо.<sup>21</sup>

**10.Сюжет** – репортаж, очерк, лавҳа жанрларидаги кўп жанрли телевизион асар бўлиб, қоидага биноан у ўзида синхрон, лайф, баъзида

---

<sup>20</sup> You Tube дан олинган видео. Номи: Ошибки журналистов!!!! В прямом эфире!!! – 22.11.2013, 08:15

<sup>21</sup> Тошкент телеканали. Пойтахт ахборот дастури. – 13.13.2013, 20:20

музикий безакларни камраб олади. “Спорт” телеканалида намоиш этиладиган “Fighter” кўрсатувида бу усулдан кўп фойдаланилади. Шулардан бири “Ўзбек жанг санъанати”га бағишланган лавха бўлиб, унда мухбир кадр ортида туриб, ушбу спорт тури ҳақида батафсил маълумот берди. Юртимизда ушбу спорт тури бўйича эришилган ютуқларни эътироф этди. Кадрда эса ушбу спорт тури билан шуғулланаётган йигит-қизлар кўрсатилди. Музикий безакдан ўринли фойдаланилди. Терма жамоа мураббийси Нодир Турдиев ва унинг шогирдлари Азиза Юсупова, Шокир Жумамуродовлар спорт ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Лавха 10 дақиқа давом этди. Камчилиги шундаки мухбир номи кўрсатилмади.<sup>22</sup> Телетомошабинлар ахборот дастурларини кун давомида кўришлари ҳақиқат. Бироқ, телемухбирлар учун эрталабки ва оқшомги вақтлар энг долзарб соатлар ҳисобланади. Чунки худди шу пайтда одамлар ишга жўнаш олдида нонушта қилиб, телевизорни кўраётган бўладилар. Оқшомда эса, оила аъзоларнинг барчаси уйда тўпланади ва, албатта, ахборот дастурларини томоша қиладилар. Бу вақтларда томошабинлар давраси тез-тез ўзгаришига қарамай, бари бир кўпчилик сўнгги ахборотларнинг бир нечасини кетма-кет кўрадилар ёки ҳеч бўлмаганда тинглайдилар.

Умуман олганда, телевидение инсонларда ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш билан бирга, миллий мафкурани шакллантиришда ҳам асосий рол ўйнамоқда. Кишиларга дунёда юз бераётган ўзгаришлар, воқеалар оқимида яшашга имкон яратмоқда. Шу маънода ТВнинг асосий вазифаси ҳар қандай ахборотнинг миллатимизга кераклисинигина тарқатишдан иборат.

---

<sup>22</sup> Спорт телеканали. Fighter кўрсатуви. Мухбир номи кўрсатилмади. – 14.12.2013, 19:35

### **3. Ахборот дастурларида бошловчи ва мухбирларга қўйиладиган талаблар**

Барча халқлар телевидениесига назар ташласак, доим омма эътиборида бўладиган журналистлар, айнан, ахборот дастурлари бошловчилари ва мухбирлари эканлигига гувоҳ бўламиз. Кишилар наздида улар доим ўз имижлари(ўзини тутиш, гапириш, ахборотни холис етказиб бера олиш, кийиниш одоби ва ҳ.з)га эга бўлишлари лозим. Гарчи ахборот дастурларида тасвирчи, монтажчилар ҳам фаолият олиб борсаларда, энг катта масъулият кўпинча бошловчи ва мухбирлар зиммасига тушади. Аҳолига етказилиши керак бўлган ҳар қандай хабар бошловчи қўлига етиб келгунига қадар, мухбир томонидан катта машаққатлар билан тайёрланади.

Репортёр ёки мухбир (инглиз тилидан таржима қилганда reporter – report сўзидан олинган бўлиб, “маълумот етказмоқ” деган маънони билдиради) – оммавий ахборот воситаси ходими бўлиб, кундалик воқеа-ходисалар, тадбир ва анжуманларни бевосита юз бераётган жой – дунёнинг турли бурчакларида туриб кенг оммага етказди. Замонавий ТВни репортёрсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, репортёр телетомошабин ва реал ҳаёт ўртасидаги воситачи ҳисобланади.<sup>23</sup> Унинг вазифаси – ўзи кўрган, эшитган, ҳис этган воқеаларни аудиториясига, томошабинларига етказиб беришдир. Мухбир учун энг муҳими қизиқ воқеани ёки унга айтилган жойдаги энг қайноқ нуқтани топиш саналади. Яхши журналист ўз атрофида юз бераётган воқеаларнинг барчасига қизиқиши керак. У топган воқеа муҳим, қизиқарли, жамият учун ибратли ва фойдали бўлсин. Мухбирнинг материални турли нуқтаи назар(ракурс)дан ёритиши, ахборотнинг қизиқарли чиқишига ёрдам беради. Аммо шуниси ҳам борки, бирор воқеанинг янги қиррасини ёритаман деб, аниқ маълумотларни бузиб, нотўғри бериб юбориши ҳам

<sup>23</sup> Каримов А. Аудиовизуал журналистика. ЎзДЖТУ, Тошкент – 2012, - Б.15

мумкин, ваҳоланки, ҳар қандай воқеа ҳақида имкони борича тўғри ва холис ёзиш мухбирнинг бурчидир.

Ахборот дастурларида ишловчи мухбирларни кўпчилик танимайди, улар “Олтин қалам” мукофотига камдан кам сазовор бўладилар, шунга қарамай, ахборотчи мухбирларнинг иши жамият учун жуда муҳимдир. Уларнинг хабарлари орқали фуқаролар жамиятда, мамлакатда содир бўлаётган янгиликларни билиб борадилар. Мухбирлар битта хабарни тайёрлаш учун бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қиладилар. Воқеа жойига бориш ҳам, у ерда ахборот манбаларини топиб, керакли шахслардан интервью олиш ҳам, ТВга қайтиб келиб матн ёзиш ҳам, тайёрланган матнни ўқиб овоз ёзиш ва монтаж жараёнида бевосита қатнашиш ҳам мухбирлар зиммасида. Аммо парламентда муҳокама, баҳс, мунозара қилинган кўпдан кўп масалалар ҳақида совуқ, расмий хабарлар билан чекланувчи мухбирлар журналистиканинг назорат қилиш функциясини эсдан чиқариб, ўз ишларини жуда жўнлаштириб оладилар. Мухбирлар оғир ва мураккаб, зерикарли, лекин аҳоли тақдири учун муҳим мавзуларни танлаб олиши мумкин, аммо бу мавзуларни зерикарли қилиб ёритиши мумкин эмас.

Мухбир ҳамиша воқеа ҳақида кимдан интервью олиши лозимлигини билиши керак. Телетомошабинлар кўпинча ҳодиса иштирокчиларини кўришни ва воқеа ҳақида уларнинг ўзларидан эшитишни хошлашади. Бу табиий, албатта. Масалан, бирор жойда фалокат содир бўлганида, интервьюни тирик қолганлардан олиш ёки қайсидир туғруқхонанинг ёпиб қўйилганлигини кўзи ёриши арафасида турган аёл тилидан баён қилиниши кишиларни кўпроқ таъсирлантиради. Миллий журналистикамиздаги мухбирларнинг энг катта камчиликларидан бири шундаки, улар, одатда, воқеага умуман дахлдор бўлмаган шахслардан нутқи равон бўлганлиги ёки юқори мансаб эгаси эканлиги учун интервью оладилар. Бу эса, нафақат, нотўғри ахборотни балки, аҳоли

ишончсизлигини ҳам келтириб чиқаради. Аслида воқеанинг асосий қаҳрамони, гарчи у гапга чечан бўлмасада интервью бериши, кишиларда кўпроқ қизиқиш уйғотади.

Мухбирнинг профессионал маҳорати қуйидагиларда намоён бўлади:

- керакли пайтда керакли жойда ҳозир бўлиш;
- телесюжет маркази ва композицион тизимни ўйлаш, керакли интервьюларни ёзиш ҳамда видеотасвирларни танлаш;
- воқеа ҳақидаги ахборотларни йиғиш, тафсилотларни аниқлаш ва матн тайёрлаш;
- тахририят учун тезкорлик билан телесюжет тайёрлаш;
- барчага қизиқарли ва умумаҳамиятга молик воқеа ҳақида томошабинда ёрқин тасаввур ҳосил бўлиши учун тасвирчи билан бирга кадрларни чамалаш, ракурсларни танлаш, тасвирга олиш;
- воқеага дахлдор одамлардан интервью олиш;
- содир бўлган воқеа ҳақида кенгроқ ҳикоя қилиш, кадрларда воқеанинг моҳиятини очиб бериш;
- кадрлар қисқа монолог сингари маъно касб этиши, ўша воқеа ҳақида маълумот бериши керак.<sup>24</sup>

Ҳақиқатан ҳам, мухбирнинг материали сифатли чиқиши учун тасвирчи билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлиши, яъни, уларнинг фикри бир жойдан чиқиши лозим. Агар лавҳада матн билан тасвир ўзаро мутаносиб бўлмаса, “ямлаш” (томошабин диққати кўпроқ тасвирга қаратилади) кузатилади. Масалан, мухбир автомобиллардан чиқаётган газларнинг атроф-муҳитга ёмон таъсири ҳақида гапириб турса-ю, экранда велосипедчилар тўдаси кўриниб турса, табиийки, бу жараён

---

<sup>24</sup> Каримов А. Аудиовизуал журналистика. ЎзДЖТУ, Тошкент – 2012, - Б,17

томошабинни чалғитади. Бу ҳодисанинг акси ҳам мавжуд бўлиб, уни “апельсин телевидениеси” дейишади. Бунда хаддан ташқари мутаносиблик бору, бироқ бу матн ва тасвирнинг соддагина мослигидир. Мухбир “апельсин” сўзини талаффуз қилиши билан кадрда апельсин пайдо бўлади, у “олма” дейиши биланоқ, олма кўринади. Бу матн билан кадр ўртасидаги уйғунликни сақлаш учун интилиш натижасидир.<sup>25</sup> Аммо ушбу ҳолат томошабинни тез зериктиради ва ғашига тегади. Шунинг учун бу борада энг яхши чора мувозанатни сақлай билиш ҳисобланади.

Мухбир микрофон олдида туриб, ёзган матнини ўқиётганда ўзини йўқотиб қўймаслиги керак. Зерикарли, бир оҳангда гапиришдан қочиши, қоғозга ёзилган матнни сўзма-сўз ўқиб бериш ўрнига, томошабинларга жонли ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилиши лозим. Матн билан ишлашнинг қулай томони шуки, уни ёзиш олдидан бир неча бор овоз чиқариб ўқиб олиш имконияти мавжуд. Бу нарса сўзларнинг семантикаси ва сюжет маъносини яхшироқ фикрлаб олишга ёрдам беради. Мухбирнинг сўз топоғонлиги унинг маҳоратидан дарак беради. Одатда бир хил такрорлар томошабинни асабийлаштиради, жиғига тегади. Шунинг учун мухбир доим синоним сўзлар луғатидан фойдаланиши лозим. Матн ёзаётганда жумлаларда сўз тартиби тўғри бўлиши, мураккаб эргаш гапли қўшма гапларни эса ишлатмаслик мақсадга мувофиқ. Гап тузилиши иложи борича содда, аниқ ва ўқишга осон бўлиши керак. Монтаж жараёнида журналистлардан эҳтиёткорлик талаб этилади. Хабар қилишдан сюжетга ўтиш ёки журналист матнидан интервьюга силлиқ ўтиш керак. Боғланиш чоклари сезилмаслиги лозим. Салгина ноаниқлик, норавонлик ёки сакраш телетомошабинга тез билиниб қолади.

Журналистик касбининг зиддиятли, ғалати жиҳатларидан бири – мавзуга берилиб, қизиқиб ишлаш билан бирга, воқеа мазмунига холис

---

<sup>25</sup> Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. Шарқ, Тошкент – 2002, - Б.60

бўлиб туришдир. Ҳар бир инсон бирор воқеага ўзича қарайди, ўзича баҳолайди. Мухбир эса юз берган воқеани иложи борида ҳаққоний, холислик ва назокат билан биён қилиши, воқеага ўз баҳосини, муносабатини беришдан тийилиши керак. Айтайлик, бирор жойда ёнғин ёки босқинчилик рўй берди. Мухбир бу ерда ўтни ўчиришга ёки бандитни қандай тутишга қизиқиб кетмаслиги, ўз фикрини билдирмаслиги балки, бўлган воқеани хабар қилиш билан чекланиши зарур. Швеция мухбирлари ва шархловчилари воқеа ҳақида хабар берганда, ўзларининг хайрихоҳлиги ёки салбий муносабатини, воқеанинг қайси жиҳати маъқул ёки қайси жиҳати номаъқуллигини билдирмайди, ўз баҳоларини айтмайди. Аслида, бу усул янгиликлар билан таништиришнинг энг маъқул йўли. Бундай холис усулда мухбир бизга ўз фикрини ўтказмайди, тайёр хулосасини бермайди, воқеага ўз нигоҳи билан қарашга бизни мажбур этмайди. Шунинг ўзида мухбирнинг ўз томошабинига ҳурмати кўринади. Телетомошабинлар воқеани ўз ақлига яраша, мустақил шахс сифатида баҳолайдилар.<sup>26</sup> Мана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, айтиш мумкинки, мухбирлар, ҳақиқатан ҳам, ахборот дастурларидаги асосий ахборот тарқатувчилар ҳисобланишади.

Ахборот дастурларида бошловчилик қилиш кўпчиликнинг назарида осон, тайёр матнни ўқиб беришдан иборатдек туюлади. Аслида эса суҳандонлик бу – катта масъулиятдир. Бошловчи мухбир тайёрлаган матнни халққа худди муаллиф кўнглидан ўтказиб ёзганидек етказиб бера олиши керак. Шу ўринда савол туғилади нега мухбирларнинг ўзлари бошловчилик қилмайдилар? Сабаби, уларнинг ҳар иккаласи алоҳида касб ҳисобланиб, ҳамма журналистлар мухбир бўла олиши мумкин бироқ, барча журналистлар ёки мухбирлар бошловчи бўла олмайди. Бошловчиларга қўйиладиган талаблар анча мураккаброқ. Ахборот

---

<sup>26</sup> Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қониси. Шарқ, Тошкент – 2002, - Б.9



дастурларида бошловчилик қилишни истаган кишилар, аввало, ўз овозига, кўринишига, дикциясига эга бўлиши лозим. Кийиниш услуги эса одатда, ТВнинг ўзида дизайнерлар томонидан танланади. Дунёдаги жуда кўп телестудияларда костюмер-либосчи ёки дизайнер лавозими мавжуд бўлиб, улар бошловчиларга экранбоп либосларни таклиф этишади. Бу ҳар бир мамлакатнинг ўз қарашларидан келиб чиқсада, биз бугун ахборот дастурлари бошловчиларини пиджак (костюм)да кўришга ўрганиб қолганмиз. Костюм инсонни салобатли кўрсатиш билан бирга, жиддийлик ҳамда расмийликдан далолат беради.

Телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ахборот дастурлари бошловчилари тил маданиятини асраши, жонли, ширали, адабий тилда гапириши зарур. Улар, нафақат, экранда балки, реал ҳаётда ҳам барчага ўрнак бўлишлари керак. Бугун миллий журналистикамиздаги ахборот дастурларида мавжуд ўзига хос имижнинг пайдо бўлишида Гули Икромова, Насиба Қамбарова, Абдумўмин Ўтбосаров, Рахматилла Мирзаев каби машҳур суҳандонларимизнинг хизматлари беқиёс. Улар ўз даврида нотиқлик билан бирга суҳандон одоби, маданияти ва кўриниши борасида ҳам энг биринчи бўлишган. Бугун ҳам ахборот дастурларида Шаҳноза Усмонова, Дилноза Мамадалиева, Дилдора Рустамова каби кўплаб бошловчилар ўз имижларини яратдилар.

Сўнгги йилларда ахборот дастурларининг кескин ривожланиши улар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди. Янгидан янги ахборот дастурларини ташкил этиш замон талабига айланди. Бу эса телевидениеда энг кўп ахборотни аҳолига етказиш вазифаси ва масъулияти айнан информацион дастурлар зиммасида эканлигидан далолат беради.

## ХУЛОСА

Журналистика пайдо бўлганидан то бугунга қадар, ахборот тарқатиш вазифасини ўтамоқда. Ҳар бир оав йўналиши қандай бўлишидан қатъий назар, биринчи навбатда ахборот беришга мажбур. Юқорида таъкидлаганимдек, ахборот беришнинг усуллари кўп бироқ, телевидениенинг энг катта ютуғи шундаки, унда тасвирлар ҳам ахборот беради. Масалан, об-ҳаво маълумотларини олайлик. Кўпинча телеканалларда об-ҳаво рақамлар ва тасвирларда берилади. Бу ТВ учун ҳам, аҳоли учун ҳам анча қулай. Бутун дунё ҳақида ахборот беришда ТВга етадигани йўқ, назаримда. Бунинг учун бирор давлат телеканалини кўришнинг ўзи кифоя. Бу орқали биз, нафақат, ахборот оламиз балки, мамлакатларнинг кўриниши, қизиқарли жойлари, одамлари, умуман, ҳамма нарсаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз. Ахборотнинг бутун ер юзини қамраб олиши инсониятнинг ҳамжиҳатлигига, дини, ирқи, миллатидан қатъий назар, умумий ер сайёрасининг аҳолиси эканликларини тушуниб етишларига хизмат қилади. Ахборотнинг хилма-хиллиги кишиларда ахборот танлаш имкониятини кенгайтириб, яхши ва ёмон, тўғри ва нотўғри, холис ва нохолис ахборотларни ажрата олиш маданиятини шакллантиради. Инсониятнинг бугунги авлодини оддий, жўн хабарлар билан қизиқтира олиш амримаҳол. Бу, албатта, ижобий ҳодиса. Чунки, кишилардаги интеллектуал салоҳият, билим, дунёқараш йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан устун келаётганини ҳар жабҳада кузатиш мумкин.

Шундай экан, биз бугун миллий телеканалларимизни, айниқса, ахборот дастурларини янада кўпайтиришимиз ва ривожлантиришимиз лозим. Ахборот дастурларидаги бир хил, зерикарли хабарлар, лавҳаларни янги ғоялар билан бойитиш зарур. Аҳолининг четдан ахборот излашига имкон қолдирмаслик керак. Содир бўлган ғавқулодда вазиятларни бориचा ёритиш ТВнинг мавқеини янада оширади.

Мен Россия ва Ўзбекистондаги ахборот дастурларини кузатиш мобайнида шунга амин бўлдимки, Россия телеканаллари журналистларида тезкорлик, аниқлик, ахборот олишга бўлган ташналик, интилиш ниҳоятда кучли. Бизда эса кўпчилик мухбирлар қолипга тушиб қолган. изланишга бўлган эҳтиёж жуда паст. Мухбирларимизнинг хат асосида бирор жойга юборилишлари етмагандек, ахборот бериш ҳам пресс-релиз асосида тайёрланади. Янгича фикр, ғоялар етишмайди. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг бирор ерида содир бўлган ноодатий хабарларни ТВдан эмас, интернетдан оламиз. ТВдаги ахборот дастурлари ҳеч бўлмаганда, интернетдан олиб аҳолига етказишлари керак, назаримда. Чунки ҳамманинг ҳам интернетга киришга имкони йўқ. Бироқ, бизда одатий, байрам тадбирларию, спорт мусобақаларидан нарига ўтилмайди. Тасвирлар ҳам доим бир хил. Масалан, Навоий кўчасида жойлашган Матбуот марказида қандайдир йиғилиш бўлиб ўтса, оператор ҳамиша лавҳа сўнгида бинонинг кириш эшигини олади. Бу ўша жой ҳақида маълумот беришнинг бир усули бўлиши мумкин аммо, бу бир хиллик кишиларда кўрсатишга шу ердан бошқа жой йўқми деган эътирозни келтириб чиқаради.

Россия телеканалларида ахборот дастурларининг барча форматларидан фойдаланилади. Айниқса, жонли эфир уларда кенг тарқалган. Бизда эса Хрипушка, Тўғридан-тўғри уланиш каби форматлардан деярли фойдаланилмайди. Балки, журналистларимиз эфирга тўғридан-тўғри чиқишга тайёр эмасдирлар бироқ, бугун барча соҳада катта ривожланишлар бўлаётган бир пайтда, бу бизнинг камчилигимиз ҳисобланади. Буни бартараф этиш учун, ахборот дастурлари қошида ёшларни жонли эфирга, умуман, янгича форматларда ишлай олишга тайёрловчи махсус курслар ташкил этилиши лозим. Албатта, бунинг учун малакали мутахассислар жалб этилмоғи лозим. Балки, шундагина 24 соат давомида ахборот берувчи канал очишга имконият туғилар.

Советлар тузуми даврида юртимизда ноҳолис ахборот тарқатиш авжига чиққан. Аҳолига Россия ҳақидаги энг яхши, Ўзбекистон ҳақидаги энг ёмон хабарлар бериб борилган. Бугун эса бунинг акси бўлаётгандек, гўё. Сабаби, ахборот дастурларини кузатсак, халқаро майдонда юз бераётган табиий офатлар, урушлар, иқтисодий инқироз, ишсизлик, норозилик ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар берилади. Наҳотки, уларда ижобий воқеа-ҳодисалар кузатилмаётган бўлса? Биз ахборот дастурлари орқали бутун дунёда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, тараққиёт жараёнларини ҳам билишни истаймиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда, телевидение ахборот беришда доим ҳолис бўлиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўжиза, жозиба, фалсафа. – Т.: Янги аср авлоди нашриёти, 2013
2. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи II. – Т.: Шарқ, 2008
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика. – Т.: ЎзДЖТУ, 2012,
4. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қонидаси. – Т.: Шарқ, 2002,
5. [www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)
6. [www.yandex.ru](http://www.yandex.ru)